Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 11 МАРТ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 50 (13.113)

Баҳоси эркин нархда

МИЕКО ЯБУТА:

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДОИМИЙ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР

Мамлакатимизда БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури каби тузилмалари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан ҳамкорликда 440 дан зиёд лойиҳа амалга оширилган. Бугунги кунда 70 дан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётир. Хусусан, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси – ЮНФПА 1993 йилдан буён мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқумли касалликларнинг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

ЎзА мухбири **БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Миеко ЯБУТА** билан суҳбатлашди.

– Ябута хоним, Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Ўзбекистонда иш фаолиятимни яқинда бошлаганимга қарамай, гўзал юртингиз мени ўзига бутқул мафтун этди. Қадимдан турли маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган Ўзбекистон бой тарихга эга. Пойтахтингиздан ташқари қадимий Самарқанд, Бухоро ва Термиз шаҳарларида бўлдим. Ўзбекистон ва менинг ватаним Япония кўплаб ўхшаш жиҳатларга эга, деб ҳисоблайман. Масалан, камтарлик ва меҳнатсеварлик халқларимизга хос олижаноб фазилатлардир. Шу сабабли мен Ўзбекистонда ўзимни ўз уйимдагидек ҳис этмоқдаман ва юртингизнинг бошқа шаҳарларида бўлиш, самимий одамлар билан учрашишни интиқлик билан кутмоқдаман.

– 2016 йил Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр билдирсангиз.

– Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мамлакатингиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши бўлиб келмоқда. Ўтган даврда ушбу соҳада қатор давлат дастурлари амалга оширилди. Улардан бири – Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастуридир. 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилингани ушбу муҳим Давлат дастурини рўёбга чиқаришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Саломатлик одамлар бахт-саодатининг асосий шартларидан биридир, шу боис ЮНФПА номидан Ўзбекистон Республикаси Президентига оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш йўлидаги доимий ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдираман.

1993 йилдан буён ЮНФПА мамлакатингизга репродуктив саломатликка доир хизматлар кўрсатиш соҳасида кўмаклашиб келмоқда.

– Ўзбекистон билан ЮНФПА ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва келгуси режалар тўғрисида сўзлаб берсангиз.

– Ўтган йили тўрт йўналишни қамраб олган Мамлакатга доир учинчи беш йиллик дастури якунланди. Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва бу соҳадаги хизматлар сифатини ошириш дастурнинг асосий қисмини ташкил этди. Дастурнинг ёшларга оид йўналиши уларнинг репродуктив саломатлик ва соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги билимларини кенгайтиришга қаратилди. Дастурнинг яна бир йўналиши гендер тенглигини таъминлаш, жумладан, мамлакатингизда CEDAW (БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси) тавсияларини жорий этиш ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва маҳалла маслаҳатчиларининг бу борадаги билимини оширишни қамраб олди. Амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар ҳақида бирор хулосага келиш учун тегишли тадқиқотлар ўтказиш зарур. Шу сабабли ЮНФПА репродуктив саломатлик, гендер тенглиги ва ёшлар эҳтиёжларига доир маълумотлар тўплашга ҳар томонлама кўмаклашди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

Покиза ая исмига монанд покизаликни, саранжом-саришталикни хуш кўради. Қачон борсангиз, кенг ҳовлиси чиннидек тоза бўлади. Ариқ бўйига экилган, шабадада оҳиста чайқалаётган гулу райҳонлар кўрку ифоридан дилингиз яйрайди, димоғингиз чоғ бўлиб, ҳузурланасиз...



ОБОДЛИК, ОРАСТАЛИК — ЭЛУ ЮРТ ФАЙЗИ





Халқимиз ўзи яшаётган масканни обод этишни инсоний бурчи, деб билади. Бўйрадек ери бўлса ҳам дарахтлар, гулу райҳонлар, жамбиллар экади. Онахонлар қизу келинларига "Остонанг доимо озода бўлсин", деб насиҳат қилади.

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида бу каби қадимий анъана ва қадриятларимиз янгича маъно ва мазмун билан бойиди. "Яхшидан боғ қолади", "Ободлик кўнгилдан бошланади" деган ҳикматли сўзлар халқимиз орасида кенг тарқалиб, эзгу даъватга айланди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ қатор ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартда қабул қилинган фармойиши асосида бу борадаги ишлар уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди. Унинг доирасида 12-13 март кунлари ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашари Наврўз умумхалқ байрамига муносиб тараддуд кўриш, халқимиз орасида ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Бу йил баҳор эрта келиб, халқимиз маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳар қачонгидан барвақт бошлаб юборди. Ҳашарлар ташкил этилмоқда. Кўча ва хиёбонларга манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилаётир. Маҳалла ва турар жойлар орасталаниб, ариқ-зовурлар тозаланиб, табаррук қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилмоқда.

Ўтганларнинг руҳини шод этиш, улар ётган жойларни обод қилиш – Наврўз айёмининг умуминсоний жиҳатларидан бири. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Ўтганлар руҳини шод этайлик", "Ҳар бир ёшга бир ниҳол", "Ҳашар ёшларга ярашар" каби қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган лойиҳаларнинг ўтказилаётгани юртимизда инсон олий қадрият, хотираси табаррук эканининг ифодасидир. Ушбу тадбирлар доирасида қабристонлар турли чиқиндилардан тозаланиб, атрофи деворлар билан ўралмоқда. Бундай эзгу юмушлар ҳар биримизни ҳамжиҳатликка, юртимизда ҳукм сураётган, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асрашга чорлаётир.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давомида турар жой даҳалари ва маҳаллаларда гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар ниҳоллари экиш, оқлаш ва буташ, кўчалар, йўлакларни тартибга келтириш, қурилиш ва маиший чиқиндиларни тўплаш, белгиланган жойга олиб чиқиш, аҳоли яшаш пунктлари, кўп қаватли бино ва ҳовлилар атрофи, гузар, хиёбон, зиёратгоҳ ҳамда қабристонлар, ариқ ва лотокларни, болалар майдончаларини тартибга келтириш ишлари бажарилади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг чораклик ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартиб-тамойиллари" мавзусида семинар ўтказилди.

● Гулистонда янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Халқ банкининг Сирдарё вилояти филиалидан олинган 150 миллион сўмлик кредит эвазига "Гулистон атлант фитнес" хусусий корхонаси томонидан бунёд этилган спорт мажмуасида барча қулайликлар яратилган. Турли замонавий спорт тренажёрлари ўқувчи-ёшлар ихтиёрида.

● "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан Бухоро вилоятидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимлар ўртасида ташкил этилган "Соғлом оила" мусобақасида 28 оила иштирок этди.

● Жиззах шаҳридаги Қипчоқ маҳалласи фаоллари, тадбиркорлар ташаббуси билан ҳудуддаги 2 гектардан ортиқ бўш турган майдон ободонлаштирилиб, янги боғ барпо этилди.

● Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида "Муқобил энергия — келажак энергияси" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда иқтисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъёрларни тасдиқлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида фикр алмашилди.

ЖАҲОНДА

● Мексикада қалин қор ёғиши ва кучли бўрон натижасида агава меваси экилган плантациялар катта зарар кўрди. Бундан ташқари, соатига 100 километр тезликда эсган шамол электр узатиш тармоқларини шикастлаганлиги боис кўпчилик аҳоли электр қувватидан узилиб қолди.

● Бангладешда "TRUE Aviation" компаниясига қарашли, Жессор ва Кокс-Базар шаҳарлари орасида қатнайдиган "Ан-26" русумли юк самолётининг ҳалокатга учраши натижасида 2 киши ҳаётдан кўз юмган, битта одам жароҳатланган, яна бир киши бедарак йўқолган. Ҳозирча авиаҳалокат сабаблари аниқланмаган.

● Хитой полицияси атроф-муҳитга кимёвий моддаларни чиқарганликда айбланаётган 27 кишини ҳибсга олди. Улар кимёвий моддаларни музофотларнинг бирининг турли ҳудудларида атрофга тарқатганликда гумон қилинмоқда. Ҳибсга олинганларнинг ҳаракати натижасида заҳарли парлар таъсири орқали камида бир киши ҳалок бўлган.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁНГА ТАЙЁРГАРЛИК

2016 йил 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу жараённи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан журналистлар учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Т.Мадумаров, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларини янада кучайтиришда муҳим босқични бошлаб берди. 2013 йили Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2016 йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида сифат жиҳатдан янги, кучли фуқаролик жамияти қарор топаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтади. Унда 9764 фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 мингдан ортиқ маслаҳатчиси сайланади.

Сайловга оид қонунчиликни, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари юксак ишчанлик ва ахлоқий фазилатларга эга, аҳоли ишончини қозонган, обрўли инсонлар орасидан сайланиши муҳимлигини, бунинг учун сайлов жараёнига оид ошкоралик, очиқлик тамойиллари, соҳага дахлдор қонунчилик ҳужжатларининг моҳиятини кенгроқ тушунтириш долзарб аҳамиятга эга. Бу оммавий ахборот воситалари ходимларидан чуқур билим ва пухта тайёргарликни талаб этади.

Семинарда сенаторлар, депутатлар, олимлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан соҳага доир миллий қонунчилик, ундаги ўзгартиш ва қўшимчалар, маҳалла институтини такомиллаштириш бўйича давлат сиёсати, маҳаллалар қошидаги комиссиялар фаолияти ҳақида иштирокчиларга атрофлича маълумотлар берилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ЮРТИМИЗ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ БЕРЛИНДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Германия пойтахти Берлин шаҳрида 9 март куни очилган "ITB Berlin – 2016" халқаро туризм кўргазмасида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш қилинмоқда.

Мамлакатимизда яратилган замонавий туризм инфратузилмаси, ранг-баранг маршрутлар ва сифатли хизматлар сайёҳлар учун кенг қулайликлар яратмоқда. "Ўзбектуризм" миллий компанияси халқаро сайёҳлик ярмаркаларида юртимизнинг бу борадаги имкониятларини фаол тарғиб этиб келмоқда. Жорий йилнинг ўзида Испания, Италия, Нидерландия, Бельгия, Латвия каби мамлакатларда ўтказилган кўргазмаларда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди.

"ITB Berlin" туризм соҳасидаги энг нуфузли кўргазмалардан биридир. Бу йил унда дунёнинг турли мамлакатларидан юзлаб фирма ва компания иштирок этмоқда. Мазкур форум сайёҳлик саноатининг кўплаб замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган бўлиб, унда оилавий саёҳат, ёшлар туризми, сайёҳлик технологияси, экотуризм, бадиий ва маданий сайёҳлик, сайёҳлик бизнеси, ахборот технологиялари, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, авиаташув каби йўналишларга оид ўнлаб бўлимлар ишлаб турибди.

"Ўзбектуризм" миллий компаниясидан маълум қилишларича, мазкур халқаро ярмаркада "Ўзбектуризм", "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбекистон темир йўллари" ҳамда ўндан зиёд хусусий компания мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини намойиш этмоқда. Ярмарка иштирокчилари мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги имкониятлари, таклиф этилаётган хизматлар, меҳмонхоналар, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумотлар билан танишмоқда.

Форумдан жой олган, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида тайёрланган "Ўзбекистон" миллий стенди ўзига хос янги дизайни, безаклари ва мазмунан бойлиги билан кўргазма иштирокчиларининг эътиборини тортмоқда. Юртимизнинг бетакрор табиати ва тарихий обидалари акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари хорижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳунармандларимиз томонидан миниатюра чизиш бўйича ўтказилаётган маҳорат дарслари, миллий куй-қўшиқларимиз ва ранг-баранг рақслар ижроси, серқуёш заминимизда етиштирилган сархил мевалар ҳамда ўзбекона таомлар йиғилганларга ғоят манзур бўлаётир.

"ITB Berlin" кўргазмаси мамлакатимиз сайёҳлик хизматларини халқаро туризм бозорларига таклиф этиш, хорижий компаниялар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, манфаатли шартномалар тузиш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликлар билан яқиндан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Нодира МАНЗУРОВА

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги





ЎзА олган суратлар

ОБОДЛИК, ОРАСТАЛИК — ЭЛУ ЮРТ ФАЙЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жой шароитини яхшилашга кўмаклашишдек эзгу ишлар амалга оширилади. Бу хайрли юмушларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона ҳамда ташкилотлар ходимлари, талабалар, умуман, кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, яшил ҳудудларнинг кенгайтирилиши нафақат атрофга гўзаллик бағишлайди, балки санитария ҳолатини яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Райҳон, жамбил, гултожихўроз каби гуллар чанг-ғуборларни камайтириб, одамларга яхши кайфият беради, микроиқлимни яхшилайди.



Номи "вужуди хушбуй ўсимлик", "доимий қувонч" маъноларини англатувчи райҳон халқимизда доривор ва зираворлиги билан ҳам жуда қадрланади. Овқатга хушбўй ҳид ва ёқимли маза берадиган жамбилнинг таркибида эфир мойи, турли витаминлар мавжуд. Ибн Сино бобомиз тиш, тизза ва бел оғриқларида, ўпка, жигардаги турли хасталикларни даволашда ундан кенг фойдаланган. Гултожихўрознинг бахмалдек товланиб турувчи гуллари узоқ вақт мафтункорлигини сақлаб қолади. Табобатда турли жароҳатларни, нафас олиш аъзолари, тери, қон-томир, саратон касалликларини даволашда қўлланилади.

Бир гектар майдонга экилган игнабаргли дарахтлар 200 нафар одамни кислород билан таъминлайди. Йўл четига экилганлари транспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли газларни ютиш ҳисобига ҳавони мусаффо қилади. 10 гектарга экилган каштан бир йилда 600-700 тонна чанг, 3-3,5 тонна олтингугурт ва карбонат ангидрид гази оксидини ушлаб қолади ҳамда ҳавога 800 тонна кислород чиқаради. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўстирилаётган оқ акация, эман, мажнунтол, заранг, тилоғоч, оққарағай, настарин ва бошқа дарахтлар ҳам ана шундай хусусиятга эга.

– Бунёдкорлик, саранжом-саришталик, поклик, озодалик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу фазилатлардир, – дейди қибрайлик Покиза ая Усмонова. – Улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида гигиена қоидаларига амал қилиш баробарида атроф-муҳитни тоза тутиш, ободончилик ишлари, ариқ ва анҳорлар қазиш, боғ-роғлар барпо этиш саломатликни сақлашда муҳим восита эканини таъкидлаган. Юртимизда уюшқоқлик билан амалга оширилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларида ана шундай пок ниятларимиз, эзгу орзу-мақсадларимиз ўз ифодасини топган.

Бу фикрлар нафақат Покиза аянинг, балки ҳар бир юртдошимизнинг қалбида кечаётган самимий туйғулар десак, муболаға бўлмас. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай эзгу, хайрли саъй-ҳаракатлар бугунги ва келажак авлодларни жисмонан ва маънан баркамол вояга етказиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, Ватанимизни янада гўзал ва обод этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Дилшод КАРИМОВ

ИСТЕЪМОЛЧИ ТАЛАБИ КЕНГАЙМОҚДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилидир" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, партия фаоллари, федерациянинг ҳудудий бирлашмалари раҳбарлари, ёшлар иштирок этди.

ХДП марказий кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Р.Комилов, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси ўринбосари Н.Юсупов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли даромадлари ортиб, истеъмол талаби кенгаяётгани, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонунлари аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, яхши хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мониторинг натижалари таҳлили аҳолининг истеъмол маданияти тобора юксалиб бораётганини кўрсатмоқда. Бунда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи муассасаларнинг бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида кенг қамровли тушунтириш тадбирлари ўтказаётгани катта роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар, истиқболдаги вазифалар ва халқаро тажрибага оид видеоролик намойиш этилди.

Давра суҳбатида истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баробарида ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар масъулиятини ошириш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, мутасадди ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш каби масалалар юзасидан фикрлашилди.

(ЎзА)

МИЕКО ЯБУТА:

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДОИМИЙ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЮНФПАнинг Мамлакатга доир тўртинчи дастури аввалги дастурлар ютуқларига асосланади. Бунда тиббий хизмат кўрсатиш ва гендер тенглиги соҳасида қонунчилик базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратилади.

– Жамиятда хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлардаги иштирокини фаоллаштиришга қаратилган кенг кўламли тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар ҳақида қандай фикрдасиз?

– Сўнгги йилларда Ўзбекистонда кўплаб соҳалар, айниқса, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида салмоқли даражада ўсишга эришилди. Айни пайтда гендер тенглиги ҳам тўла таминланган. Қизлар бошланғич, ўрта ва ўрта махсус таълим олиш ҳуқуқига эга.

Гендер тенглигини мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик ва институционал база яратилган. Ўзбекистонда қонунчилик ва ижро ҳокимиятида аёллар иштирокини кенгайтиришнинг миллий механизмлари мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. 1991 йилда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг миллий механизмини ифода этган Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилган. 2005 йилдан бошлаб ижро ҳокимиятида хотин-қизлар сафи кенгайиб бораётганини кузатмоқдамиз. Хотин-қизлар учун меҳнат бозорида тенг имконият ва қўшимча рағбатлар яратилмоқда. Хусусан, тадбиркор аёллар учун махсус микрокредитлар ажратилмоқда.

– Ўзбекистонда хотин-қизлар турмуш шароитларини яхшилаш, улар учун янада қулай шароитлар яратишга йўналтирилган қатор дастурлар амалга оширилмоқда...

– Ўзбекистонда хотин-қизлар турмушини янада яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилмоқда. Масалан, хотин-қизларга мўлжалланган махсус микрокредитлар ажратилаётгани, аёллар спортининг оммалашаётгани, замонавий турар жой мажмуалари барпо этиш кўламининг кенгаяётганини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон келгусида ҳам ушбу йўналишда кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишига ишончимиз комил.

Ирода УМАРОВА
суҳбатлашди

АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкентда янги авлод алоқа тармоқларини тестдан ўтказиш ва мониторинг қилишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутахассислари, мобиль операторлар, мамлакатимиз ва хорижнинг компьютер, телекоммуникация тармоқлари учун дастурий таъминот воситалари ҳамда ускуналари ишлаб чиқувчилари иштирок этди.

Алоқа тармоқларини оптималлаштириш ва телекоммуникация хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган замонавий технологияларнинг жорий этилиши ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида давлат ва жамият қурилиши соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда қўллаш учун шароитлар яратилди. Мавжуд компьютер, телекоммуникация, симли ва симсиз тармоқлар кенгайтирилди, янгилари ташкил қилинди.

Семинарда тармоқ технологияларини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари муҳокама қилинди. Хусусан, транспорт тармоқларининг ўтказувчанлигини ошириш имкониятлари ва талаблари, мобиль операторларининг таянч транспорт тармоқларини тестдан ўтказиш ҳамда мониторинг қилиш тартиби ўрганилди.

Оптик толали алоқа тармоқларини таъмирлаш ва ўрнатишни белгилайдиган янги "Clean Before Connect" концепцияси тақдимоти иштирокчилар эътиборини тортди. Тадбир қатнашчилари учун тегишли маҳорат сабоғи ўтказилди.

Семинар доирасида алоқа тармоқларининг унумдорлиги ва ўтказувчанлигини ошириш, тестдан ўтказиш ва таҳлил қилишга мўлжалланган замонавий ўлчов асбоблари кўргазмаси ташкил этилди.

– Фойдаланувчиларга сифатли алоқа хизматлари тақдим этиш ҳар бир операторнинг асосий вазифасидир, – дейди ЎзА мухбирига "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси UZMOBILE филиалининг ривожлантириш бўлими етакчи мутахассиси Саъдулла Юсупов. – Шу мақсадда компаниямиз томонидан алоқа сифатини ошириш имконини берадиган замонавий ўлчов асбоблари фаол татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда алоқа тармоқларини тестдан ўтказиш ва мониторинг қилишга мўлжалланган замонавий ўлчов асбобларини янада жорий этиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Роман БОНДАРЧУК

Темурийлар тарихи давлат музейида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан "Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларимизнинг бош мақсади – оила ва жамият фаровонлиги йўлида тадбиркор ва ишбилармон аёлларнинг фаол иштироки" мавзуида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирлар

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Тадбирда, ЎзЛиДеПнинг "Аёллар қаноти" томонидан 2015 йилда амалга оширилган ишлар, партиявий лойиҳаларнинг натижалари, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлашда партиянинг устувор вазифалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, бугунги кунда хотин-қизларнинг оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши, ўз бизнесларини йўлга қўйишда яқиндан кўмак бериш, аёллар бандлигини таъминлаш, банклар томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилаётгани ҳам хотин-қизларга кўрсатилаётган эътиборнинг намунаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

— Партиянинг қатор ташаббуслари, шу жумладан, "Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага" лойиҳаси асосида юзлаб аёлларнинг бандлиги таъминланмоқда, — дейди Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М. Акромова. — Энг муҳими минглаб аёллар партиянинг мазкур лойиҳа доирасидаги кўплаб тадбирларида ўз иқтисодий билимларини ошириш имконига эга бўлиб, тўрт мингдан ортиқ аёллар янги иш ўринлари билан таъминланди. Шунингдек, 2012-2015 йиллар давомида ушбу лойиҳа доирасида ташкил этилган ўқув-семинарларда қатнашган 1248 нафар хотин-қизларга партия кўмагида тижорат банклари томонидан 20 млрд. 323 млн. 727 минг сўмлик кредит ажратилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида мазкур лойиҳада фаол қатнашган аёлларга 11 миллиард сўмга яқин кредитлар берилиб, бунинг натижасида 1300 нафарга яқин янги ва қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

Тадбир давомида партия томонидан "Соғлом она ва бола йили"да ҳам бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мазкур лойиҳаларни янада самарали ташкил этиш, сифат кўламини ошириш ҳамда жорий йилда янги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар, сиёсий жараёнлар туб мазмун-моҳиятини кенг тарғибот-ташвиқот қилишда, юртимиз иқтисодиёти, кичик бизнес ва хусусий секторнинг ривожланишида фаол иштирок этаётган шижоатли, ташаббускор хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг Ватанимиз келажаги йўлидаги интилиши, изланишларидаги фаол иштирокини рағбатлантириш, бугуннинг замонавий тадбиркор аёли қиёфасини яратиш йўлида бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ишбилармон аёл" республика кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам таъкидланди.

Мазкур тадбир якунида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси "Аёллар қаноти" томонидан "Соғлом она ва бола йили"да ўз тадбиркорлигини бошламоқчи ёки кенгайтирмоқчи бўлган барча хотин-қизларни партия лойиҳаларида фаол иштирок этишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Зафар НАЗАРОВ



Наврўз — 2016

Ислом Каримов ташаббуси ва жасорати билан ҳали мустабид тузум ҳукмрон бўлиб турган даврда Наврўз байрами қайта тикланди. Президентимизнинг 1990 йил 3 майдаги Фармонига мувофиқ Наврўз умумхалқ байрами, 21 март дам олиш куни, деб эълон қилинди. Ўтган йилларда Наврўз мазмунан янада бойиди, халқимизнинг қадим маданияти, эзгу фазилатлари тимсолига айланди.

НАВРЎЗ ИФОРИ БОҚИЙДИР

Марказий Осиё халқлари қадимда янги йилни Наврўзда нишонлаган. Бу чуқур илмий асосга эга: қуёш ҳамал буржига киради, кун ва тун тенглашади, ҳаво илийди, дарахтлар гуллай бошлайди, ердан буғ кўтарилиб, экишга тайёр бўлади, қир-адирлар кўм-кўк либосга бурканади.

Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём, Алишер Навоий каби алломалар асарларида Наврўз ҳақида муҳим илмий маълумотлар келтирилган. Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида бу байрамнинг ой бўйи давом этишини маълум қилган.

Наврўз тарихини ўрганиш бу байрамнинг Шарқда ҳунармандлик соҳасидаги бир қатор кашфиётлар натижасида пайдо бўлганини тасдиқлайди. Алишер Навоий "Тарихи мулуки ажам" рисоласида бу ҳақда кўплаб қимматли маълумот келтирган.

Баҳор айёмининг инсон руҳий оламида кўтаринки кайфият уйғотиши, тана аъзоларида тетиклик пайдо қилиши, шубҳасиз, адабиёт аҳли эътиборидан четда қолмаган. Баҳор халқ қалбида келажакка умид, турмушдан баҳраманд бўлиш кайфиятини уйғотган.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида келтирилган қуйидаги мисраларда аждодларимиз табиатни нақадар теран ҳис этгани ва уни гўзал ифодалаганини кўриш мумкин:

Яғмур ёғиб сачилди,
Турлук чечак сучулди,

Инжу қоби очилди,
Чиндан йипор югрушур.

Қадимий она тилимиздаги бу жумлалар маъносини англаш қийин эмас. Ёмғир ёғиб, ҳар тараф сочилгани, инжу қопи – дурлар хазинаси очилгани каби турли чечаклар уйғонгани, уларнинг йипори – ифори кезаётгани айтилмоқда.

Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" достонининг дастлабки саҳифаларида гулзорда булбул минг овоз билан сайраши, дарахтлар яшил кийгани, қизил, сариқ, кўк гулларнинг очилганини моҳир мусаввирдек чизиб қўйган:

Қуримиш йиғочлар
тананди йашил,
Безанди йапун ал, сариғ, кўк, қизил.

Мумтоз адабиётимиз тарихида ғазалларнинг дастлабки намуналари ҳам айнан баҳор мадҳи билан бошланган. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий "Қисаси Рабғузий" номли дидактик асарига назм чечаклари билан безак берар экан, "Баҳориёт" сарлавҳали ғазал битади. Унда шундай байтлар бор:

Кун ҳамалга кирди эрса келди олам наврўзи
Кечди баҳман замҳарир қиш қолмади
қори бузи.

Кун келу минг кўрки ортиб тирилур
ўлмиш жаҳон,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур
бу ер юзи.

Тол йиғочлар минбаринда тўти қуш
мажлис тутар,
Қумри булбул муқри бўлиб ун тузар
тун-кундузи.

Эътибор берсак, юқоридаги мисолларда баҳор фаслининг табиатда мўъжиза яратиши, атрофга байрам безаклари билан файз бағишлаши маъно жиҳатдан бир-бирига яқин. Бадиий адабиётимиздаги бу анъана ижодкорлар учун доимий мавзуга айланди.

Бу борада ҳам Алишер Навоийнинг ўз ўрни, ўз қиммати бор. "Фарҳод ва Ширин" достонининг тўққизинчи бобидаги қуйидаги мисралар бадиий адабиётимиздаги жонлантириш санъатининг энг гўзал намуналаридан бири:

Чекар боғ ичра булбул анча афғон,
Ки афғони қилур гул бағрини қон.

Булбул баҳор айёмида ишқини шу қадар фиғон билан айтаяптики, унинг нолаларидан таъсирланган гул бағрини қон қилиб юборди. Достон давомида боғнинг ўт-аланга олгани айтилган ва қуйидаги байт берилган:

Бу ўт ёнида булбул маскан айлар,
Қанот урмоқ елидин равшан айлар.

Булбул қанот қоқиб, бу алангани янада равшанлаштирмоқда. Шоирнинг беназир истеъдоди билан инсонни ҳайратга солувчи манзара яратилган. Айни чоғда баҳорий мўъжизанинг ўқувчига ором бағишлашига эришилган.



Чўлпон "Кўклам келадир" шеърида баҳорнинг дилларга илиқлик, эркинлик инъом этишини орзу қилган:

Кўклам ойим йўлга чиққан, кўклам
ойим кўзғалган,
Кўк қўйлакнинг битишига унча ҳам
кўп қолмаган.

Қип яланғоч дарахтлар ҳам кучоқ очиб,
кўз тутиб,
Кўк қўйлакнинг битишини чидамасдан
кутурлар.

Қарғалар ҳам қишда қилган гуноҳларин
унутиб,
Узр айтмасдан, индамасдан учиб-учиб
кетурлар.

Кўнгиллар ҳам ҳаволардек кўклам
ҳиди берсайди,
Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам
руҳи кирсайди.

Наврўз халқимизнинг онгу тафаккурига, турмуш тарзига сингиб кетган. Байрам тараддуди аҳолини бирлаштирган, меҳнат қилишга чорлаган. Ҳашарлар уюштирилиб, ариқ ва зовурлар тозаланган, ниҳоллар ўтқазилган. Аёллар совуқ қиш таъсирида намиққан гилам, кўрпа-ёстиқларни қуёшга ёйган, ҳовли-жойлар саришталанган. Қуриб қолган дарахтлар кесилган. Сумалак, ҳалим, кўксомсалар пиширилган. Ўзига тўқ одамлар эҳсонлар берган, дарвешоналар ўтказилган. Маҳалла-кўй, қариндош-уруғ бир-бирининг ҳолидан хабар олган, беморлар зиёрат қилинган. Сумалак пишириш асносида кайвони оналар туни билан қиз-жувонларга достонлар ўқишган, ибратли ривоятлар айтиб беришган. Буларнинг ҳаммаси халқни жипслаштирган, ёшларни тарбиялаган.

Собиқ тузум сиёсатдонларига айнан шу жиҳатлар маъқул бўлмаган. Наврўзга қарши узоқ курашган. Олиму мутахассисларнинг елиб-югуришларига, илмий асосларига ҳеч ким қулоқ солмаган. Наврўз сўзи олиб ташланган. Наврўз ўрнига сунъий равишда қандайдир байрам ихтиро қилмоқчи бўлишди. Табиийки, халқ қабул қилмади. Шу боис дарҳол ҳаммани эсидан чиқиб кетди. 1980-йилларнинг ўрталарида бу байрам мутлақ тақиқланган. Махсус одамлар уйма-уй юриб, сумалак пиширилаётган қозонларга тупроқ сепишган, керосин қуйишган. Асосий мақсад халқимиз ўз тарихини, миллий ўзлигини англашига тўсқинлик қилиш бўлган. Миллатимиз шукуҳини куйловчи "Алпомиш" достонининг қатағонга учраши Наврўзга ҳам қисмат бўлиб ўтган.

1990 йилда, ҳали мустабид тузум ҳукмрон бўлиб турган шароитда Ислом Каримов ташаббуси ва жасорати билан Наврўзни эмин-эркин нишонлаш бошланди. Давлатимиз раҳбарининг 1991 йил 12 февралдаги фармонига мувофиқ Наврўз байрами катта тайёргарлик билан кенг нишонланди. Эсимда, ўша куни республикамизнинг барча ҳудудларида катта томошалар, концертлар уюштирилди. Тошкентнинг Хадра, Бешёғоч майдонларида ҳалим, сумалаклар тарқатилди. Бутун элимиз Наврўз тантаналарини байрам сифатида кенг нишонлади. Бу она Ватанимизда озодлик шабадаси эса бошлаганидан дарак эди.

Ҳар йили Президентимиз Ислом Каримов қарорига мувофиқ Наврўз байрамига катта тайёргарлик кўрилмоқда ва кенг нишонланмоқда. Пойтахтимизда ўтказиладиган тантаналар кўплаб мамлакатларга телеэфир орқали трансляция қилинмоқда. Вилоятлар марказлари, туманларда, қишлоқларда, маҳаллаларда ва оилаларда катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, чет эллик сайёҳлар Ўзбекистонга айнан Наврўз пайтида келишни исташар экан. ЮНЕСКО томонидан Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани, 21 март Халқаро Наврўз куни деб эълон қилингани ҳам шундан далолат беради.

Бобо-ю момоларимиз асрлар давомида асраб, эъзозлаб келган Наврўз юртимизга гўзаллик, халқимизга хурсандчилик улашмоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамламоқда. Ўтмиши бой, келажаги буюк, миллий ғурури юксак халқимиз бор экан, бу байрам абадий бўлиб қолади.

Омонилла МАДАЕВ,
филология фанлари номзоди.
(ЎзА)

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

МЕҲР-МУҲАББАТДАН ЯРАЛГАН ҚЎШИҚ

Муаззам Мустақиллик майдони... Эзгулик аркасидан ўтиб, Бахтиёр она ҳайкали томон борар экансиз, фарзандига меҳр билан термулиб турган волида сиймосини кўриб ҳаяжонга тушасиз. Қулоғингизга алла қўшиғининг оҳанги эшитилгандай бўлади. Негаки, бу улуғвор монументда, бир вақтнинг ўзида ҳам она Ватанимиз, ҳам жамики оналаримизнинг умумлашган рамзий тимсоли мужассам.

Меҳрибон она қалб қўридан туғён бўлиб отилиб чиқадиган қайноқ эҳтиросларни, чексиз меҳр-таровати, жигарбандига аталган гўзал тилакларини алла орқали илинади. Унинг дилга ором бергувчи ёқимли, майин, эркаловчи оҳанги қачонлардир ҳар биримизнинг қалбимизни ром этган. Орзу-армонлар, ҳис-туйғулар, истаклар уйғунлашиб кетган она меҳри акс этади унда. Туйғулар бирлиги, кўнгил парчаси акс этган қўшиқдир. Шунинг учун қай замон ва қай маконда бўлса ҳам алла ўз қадр-қиммати ва аҳамиятини йўқотмайди.

Кўпчилик оналар аллани бола 3-4 ёшга тўлгунга қадар айтишади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бола онги ва руҳияти ҳам айнан шу даврда шаклланади. Алланинг яратувчиси ҳам, куйловчиси ҳам оналардир. Унинг сеҳри бутун инсоният камолотидаги илк маънавий озиқ ҳисобланади. Бу сеҳрли оромижон қўшиқ бўлажак мард йигитга қувват, барно қизга эса ҳаё ва иффат бахш этади.

Муштипар она кўзининг оқу қорасига алла айтар экан, унинг келажакда олижаноб, элюрт корига ярайдиган, мўмин-қобил, иймонли ва инсофли фарзанд бўлиб улғайишини ният қилади. Шу сеҳрли куй орқали она мурғаккина гўдак қалбига бир олам орзулар улашади, армону изтиробларини тўкиб сочади.

Алла қўшиғи ижро этилаётганда сокин куй, қуйма сатрлар, онанинг малоҳатли ҳаракатлари, эркаловчи қўллари, ҳиссиётга тўла овози, меҳрибон нигоҳи бир бутун ҳолда жамланиб, муқаддас қудрат касб этувчи мўъжизага айлангандек бўлади. Аллаларнинг халқ орасида асрлар давомида яшаб келаётганининг боиси ҳам ана шунда.

Абу Али ибн Сино, "Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб, боланинг танаси билан бадан-тарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади" деб ёзади.

